

Тавҳид тушунчаси | Ақийда дарслари (273-дарс)



19:00 / 15 апрель 766

«Тавҳид» – «ваҳҳада», «юваҳҳиду», «тавҳидан»нинг масдари бўлиб, луғатда бирор нарсага бирлик ва ягоналикни нисбат беришни ҳамда ундан кўпликни инкор этишни англатади. Чунки бу ерда «тафъил» вазни нисбат бериш маъносидадир. Ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантириш маъносида эмас. Мисол учун, «Фассақтуху» дейилса, «Унга фосиқликни нисбат бердим», дегани бўлади. Шунинг учун ҳам «Ваҳҳадтуллоҳа» дегани «Аллоҳга ваҳҳдоният нисбатини бердим» ва «Албатта, Унинг Ўзи якка эканига ишондим», дегани бўлади. Бунда «Уни битта қилдим» деган маъно йўқ. Чунки У Зотнинг ваҳҳдонияти қилувчининг қилиши билан бўлмайди.

Шаръий истилоҳда эса тавҳид инсоннинг Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиши ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишидир.

Имом Фаҳриддин Розий ўзининг илм ва ҳажм жиҳатидан катта бўлган тафсирида Ҳадид сурасининг тафсирида қуйидаги қисмларга ишора қилганлар.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.